



Шейтон
ШЕЪРЛАР

ШОИР КУТУБХОНАСИ



Чўлпон

Шеърлар



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2016

84(5Ў)6-5

Ч 98

Чўлпон.

Шеърлар. [Матн] / Чўлпон.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016. – 48 б.– (Шоир кутубхонаси).

КБК 84(5Ў)6-5

УЎК 821,512.133-1

Ғоя муаллифи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи
Мирнўлат МИРЗО

ISBN 978-9943-06-598-7

©Чўлпон. Шеърлар.

©Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016 й.

*Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли)
1898 йили Андижонда таваллуд топган.*

*Унинг илк ижоди ижтимоий ва ма-
даний ҳаёт ҳақида хабарлар ёзиши билан
бошланган.*

*Оташқалб шоирнинг юксак ҳиссиётга
йўғрилган шеърлари тезда уни элга та-
нитди, туркий дунёга машҳур қилди. Айни
чоғда унинг ҳурликни, озодликни алқаган
шеърляти ўзбек халқида она диёрга
муҳаббат, мустамлакачиларга нафрат,
истиқлол зояларига садоқат туйғуларини
тарбиялади.*

*Чўлпон насрда ҳам ижод қилди. Унинг
назокат ва нафосатга вобаста қалами
«Ойдин кечаларда», «Қор қўйнида лола»
ҳикояларида ва «Кеча ва кундуз» романида
ёрқин акс этган.*

*Адиб жаҳон адабиётининг нодир
асарларини ўзбек тилига маҳорат билан
ўғирди. Шоир таржимасидаги В. Шекс-
спирнинг «Ҳамлет»и ўзбек таржима санъ
атининг шоҳ намунасидир.*

*Чўлпон 1937 йилда «халқ душмани»
сифатида ҳибсга олинган ва ҳукмга кўра,
1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилган.*

ГҮЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: “Мен уни тушда кўрамен,
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!”

Шеърлар

Кўзимни оламан ой чиққан ёққа,
Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа.
Ул-да айтадир: “Бир қизил яноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: “Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғ ва тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”

Ул кеткач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда,
Ул-да уятдан бекиниб, қочиб,



KITOBXON

BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/3880>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3880>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3880>